

**“Кварц” акциядорлик жамияти**  
**акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишининг**  
**2-сонли**  
**БАЁННОМАСИ**

**2021 йил 30 июнь**  
**соат 10-00**

**Фаргона вилояти, Кувасой шаҳри,**  
**Мустақиллик кўчаси, 2а-уй**

“Кварц” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “Жамият” деб юритилади) акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорлар ва вакилларга тегишли овоз берувчи акциялар сони 86 614 901 дона. Жами овоз берувчи акциялар сони 96 449 218 дона. **Йиғилиш кворуми 89,80 фоиз.**

---

**Қатнашдилар:**

“UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ номидан ишончномага асосан вакил - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Фаргона вилояти ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари Б.Б.Фарманов;

Жамият акциядорлари ва уларнинг вакиллари (рўйхат илова этилади);

**Таклиф этилганлар:**

Жамиятнинг бошқарув ва назорат органи аъзолари, ташқи ва ички аудит вакиллари (рўйхат илова этилади).

**ЭШИТИЛДИ:**

Акциядорларнинг умумий йиғилишида жамият Кузатув кенгашининг раиси ҳамда кенгаш аъзолари узрли сабабларга кўра қатнаша олмаганликларини инобатга олиб, Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши раиси этиб вакил Б.Б.Фармановни сайлаш таклиф этилди.

**(Бир овоздан маъқулланди)**

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши раиси этиб Б.Б.Фарманов сайлансин.

**ЭШИТИЛДИ:**

Йиғилиш раиси – Жамият акциядорлари умумий йиғилиши котибини этиб “Кварц” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими мутахассиси Ғ.Мамаджоновни сайлаш таклиф этилди.

**(Бир овоздан маъқулланди)**

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

Жамият акциядорлари умумий йиғилиши котиблигига “Кварц” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими мутахассиси Ғ.Мамаджонов сайлансин.

**ЭШИТИЛДИ:**

Йиғилиш раиси – Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг Санок комиссиясини қуйидаги таркибда:

1. З.Бурхонов - “Кварц” АЖ Махсус бўлими бошлиғи ;
2. З.Раимбердиева - “Кварц” АЖ Бизнесни стратегик ривожлантириш ва лойihalаштириш бўлими бошлиғи ўринбосари;

3. О.Михайлюк - “Кварц” АЖ Бизнесни стратегик ривожлантириш ва лойихалаштириш бўлими иқтисодчиси.  
таклиф этилди.

**(Бир овоздан маъқулланди)**

### **ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг санок комиссияси куйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. З.Бурхонов - “Кварц” АЖ Махсус бўлими бошлиғи ;
2. З.Раимбердиева - “Кварц” АЖ Бизнесни стратегик ривожлантириш ва лойихалаштириш бўлими бошлиғи ўринбосари;
3. О.Михайлюк - “Кварц” АЖ Бизнесни стратегик ривожлантириш ва лойихалаштириш бўлими иқтисодчиси.

**Йиғилиш раиси Фарманов Б.Б. Кузатов кенгаши томонидан навбатдаги йиллик умумий йиғилиш кун тартибини эълон қилди.**

### **КУН ТАРТИБИ:**

1. “Кварц” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. “Кварц” АЖ Кузатов Кенгашининг 2020 йилда ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича ва жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳамда жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини мустақил ташкилот томонидан баҳолаш яқунлари бўйича ҳисоботи.
3. “Кварц” АЖ Бошқарув раисининг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари, Бизнес-режа кўрсаткичлари ва жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилган чоралар бўйича ҳисоботи.
4. “Кварц” АЖнинг 2020 йил учун йиллик ҳисоботини, шу жумладан бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш.
5. “Кварц” АЖ Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
6. “Кварц” АЖнинг 2020 йил яқунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида.
7. “Кварц” АЖ Кузатов кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида.
8. “Кварц” АЖ Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисида.
9. “Кварц” АЖнинг Бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларини сайлаш тўғрисида.
10. “Кварц” АЖнинг “Миноритар акциядорлар кўмитаси тўғрисидаги” Низомни тасдиқлаш.
11. “Кварц” АЖнинг Миноритар акциядорлар кўмитаси аъзоларини сайлаш.
12. “Кварц” АЖнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида.

### **КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЭШИТИЛДИ:**

Йиғилиш кун тартибидаги 1-масала бўйича (“Кварц” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя

қилиш тўғрисида”ги Қонунга асосан йиғилиш раиси томонидан кун тартибидаги масалалар бўйича маъруза ва музокарага чиқувчилар учун куйидаги йиғилиш регламенти маълум қилинди.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 15 дақиқагача, савол-жавоблар учун 10 дақиқагача, санок комиссияси ишига 30 дақиқа вақт ажратилиши таклиф этилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб жамият таклиф этилаётган йиғилиш регламентини тасдиқлаш жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

**Йиғилиш кун тартибидаги 2-масала** бўйича (*“Кварц” АЖ Кузатув Кенгашининг 2020 йилда ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича ва жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳамда жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини мустақил ташкилот томонидан баҳолаш яқунлари бўйича ҳисоботи*) йиғилиш раиси Фарманов Б.Б. томонидан 2020 йилда Кузатув Кенгашининг ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича ва Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисобот берилди (ҳисобот илова қилинади).

“Кварц” АЖ Кузатув кенгаши 2020 йилда Корпоратив бошқарув Кодексининг ҳисобдорлик, очиқлик, ҳаққонийлик, юксак ахлоқий тамойилларга риоя этиш ҳамда акциядорлик жамиятни узоқ муддатли истиқболда барқарор ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган тегишли бошқарувнинг асосий принциплари асосида фаолиятини амалга оширди.

Кузатув кенгашининг 2020 йил давомида жамиятнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб ҳамда Кузатув кенгашининг иш режасига мувофиқ 14 та мажлислари ўтказилди ҳамда ушбу мажлисларда 39 та масала муҳокама қилиниб, қонунчиликда белгиланган тартибда қарорлар қабул қилинди.

Хусусан, 2020 йилга Бизнес-режаси ижросини таҳлил қилган ҳолда Жамият Бошқаруви фаолиятини мунтазам кузатиб бориш, ҳар чоракда Жамият Бошқаруви ҳамда Ички аудит хизмати фаолияти яқунлари тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаб, тегишли қарорлар қабул қилинди ва уларнинг ижроси юзасидан доимий назорат ўрнатилди.

Ҳисобот йилининг ҳар чорагида Тафтиш комиссиясининг аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосалари кўриб чиқилди.

Ҳисобот йилида Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра Жамиятнинг навбатдаги йиллик ҳамда навбатдан ташқари умумий йиғилишлари ўтказилди.

Жамиятнинг 2020 йил яқунлари бўйича корпоратив бошқарув тизими “Ишонч ЛТД” МЧЖ мустақил ташкилот томонидан баҳоланди ҳамда 2021 йил 17 майдаги хулосасига кўра Жамиятнинг 2020 йил яқунлари бўйича корпоратив бошқарув тизими “ЮҚОРИ” даражада баҳоланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб жамият Кузатув Кенгашининг ҳисоботини тасдиқлаш жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

**Йиғилиш кун тартибидаги 3-масала** бўйича (*“Кварц” АЖ Бошқарув раисининг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари, Бизнес-режа кўрсаткичлари ва жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиши бўйича кўрилган чоралар бўйича ҳисоботи*) Жамият Бошқарув раиси А.И. Буриев сўзга чикди ва Жамиятда ташқи аудит текшируви давом этаётганлигини маълум қилди.

Жамият ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текшируви давомида аниқланган ва Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича молиявий кўрсаткичлари ўзгариши

мумкин бўлган ҳолатлар юзасидан Молия вазирлигидан тушунтириш ва изоҳлар олиш бўйича иш олиб борилаётганлиги туфайли Жамият Бошқарув раисининг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари, Бизнес-режа кўрсаткичлари ва Жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилган чоралар бўйича ҳисоботи кўрилмасдан қолдирилсин деб таклиф берилди. Ушбу масала аудиторлик ташкилоти томонидан 2020 йил якуни бўйича аудиторлик хулосаси тақдим этилгандан кейин акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишида кўриб чиқилиши Жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

**Кун тартибдаги 4-масала** бўйича (*“Кварц” АЖнинг 2020 йил учун йиллик ҳисоботини, шу жумладан бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш*) Жамиятнинг Бош бухгалтери А. Исабоев томонидан акциядорларга қуйидагилар маълум қилинди.

Жамиятда ташқи аудиторлик текшируви ўтказиш давомида аниқланган ва Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича молиявий кўрсаткичлари ўзгариши мумкин бўлган ҳолатлар юзасидан Молия вазирлигидан тушунтириш ва изоҳлар олиш бўйича иш олиб борилаётганлиги туфайли “Кварц” АЖнинг 2020 йил учун йиллик ҳисоботини, шу жумладан бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш масаласи кўрилмасдан қолдирилсин деб таклиф берилди. Ушбу масала аудиторлик ташкилоти томонидан 2020 йил якуни бўйича аудиторлик хулосаси тақдим этилгандан кейин акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишида кўриб чиқилиши Жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

**Кун тартибдаги 5-масала** бўйича (*“Кварц” АЖ Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида*) Жамиятнинг Тафтиш комиссияси раиси Б. Фарманов томонидан акциядорларга 2020 йил давомида Тафтиш комиссия фаолияти тўғрисида маълумот берилди (ҳисобот илова қилинади).

“Кварц” АЖ Тафтиш комиссиясининг 2020 молиявий йили якуни бўйича Жамият молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунлари тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда 2020 йил давомида жамиятнинг аффилиланган шахслари билан тузилган битимлар ҳамда йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги тўғрисидаги Тафтиш комиссиясининг хулосалари дастлабки тарзда маълумот учун қабул қилиниши Жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

**Кун тартибдаги 6-масала** бўйича (*“Кварц” АЖнинг 2020 йил яқунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида*) Жамиятнинг Бош бухгалтери А. Исабоев томонидан акциядорларга қуйидагилар маълум қилинди.

Жамиятда ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текшируви ўтказиш давомида аниқланган ва 2020 йил якуни бўйича молиявий кўрсаткичлари ўзгариши мумкин бўлган ҳолатлар юзасидан Молия вазирлигидан тушунтириш ва изоҳлар олиш бўйича иш олиб борилаётганлиги туфайли “Кварц” АЖнинг 2020 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш масаласи кўрилмасдан қолдирилсин деб таклиф берилди. Ушбу масала аудиторлик ташкилоти томонидан 2020 йил якуни бўйича аудиторлик хулосаси тақдим этилгандан кейин акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишида кўриб чиқилиши Жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

**Кун тартибдаги 7-масала** бўйича (*“Кварц” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида*) йиғилиш раиси сўзга чиқиб, акциядорларга жамият Кузатув кенгаши таркибига сайлаш учун киритилган номзодлар билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

“UzAssets investitsiya kompaniyasi” Акциядорлик жамиятининг 2021 йил 8 июндаги 01/04-3-142-сонли хатига мувофиқ амалдаги қонунчиликка ва жамият Уставига асосан жамият Кузатув кенгаши таркибига қуйидаги номзодлар таклиф этилди:

1. Рахматуллаев Бекзод Ражабович - Президент Администрацияси шўъба мудирини;
2. Абидов Шерзод Абдусаматович - Вазирлар Маҳкамаси котибият мудирини;
3. Қаххоров Азизжон Ахрорович - “UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ Бошқарув раисини;
4. Маматов Одилжон Абдугапарович - Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Директорини в.в.б.;
5. Каримов Алишер Нишанович - Адлия вазири ўринбосарини;
6. Қурбоналиев Санжар Сабриддинович - Давлат активларини бошқариш агентлиги Департамент бошлигини;
7. Сирожитдинов Хабиб Камилевич - Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлигини;
8. Хақимов Шерзод Набижанович - Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлигини ўринбосарини;
9. Реджабоев Хасан - Висконсин-Мадисон (АҚШ) университети тадқиқотчиси (мустақил аъзо).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайлаш учун таклиф этилаётган номзодлар бўйича кумулятив овоз бериш бюллетенлари бўйича овоз беришлари акциядорлардан сўралди.

**Кун тартибидаги 8-масала** бўйича (“Кварц” АЖ Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисида) йиғилиш раиси сўзга чиқиб, акциядорларга жамият Тафтиш комиссияси таркибига сайлаш учун киритилган номзодлар билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

“UzAssets investitsiya kompaniyasi” Акциядорлик жамиятининг 2021 йил 8 июндаги 01/04-3-142-сонли хатига мувофиқ амалдаги қонунчиликка ва жамият Уставига асосан Жамият Тафтиш комиссияси таркибига қуйидаги номзодлар таклиф этилди:

1. Ибрагимов Махмуд Баходирович - Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси;
2. Ғойибов Лазиз Ахматович - “UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ лойиха раҳбари;
3. Мирзақулов Жаҳонгир Муроджон ўғли - “UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ бош мутахассиси.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жамият Тафтиш комиссияси таркибига сайлаш учун таклиф этилаётган номзодлар бўйича овоз беришлари акциядорлардан сўралди.

**Кун тартибидаги 9-масала** бўйича (“Кварц” АЖнинг Бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларини сайлаш тўғрисида) йиғилиш раиси томонидан акциядорларга қуйидагилар маълум қилинди.

Жамиятда ташки аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текшируви ўтказиш давомида аниқланган ва 2020 йил якуни бўйича молиявий кўрсаткичлари ўзгариши мумкин бўлган ҳолатлар юзасидан Молия вазирлигидан тушунтириш ва изоҳлар олиш бўйича иш олиб борилаётганлиги туфайли “Кварц” АЖнинг Бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларини сайлаш масаласи кўрилмасдан қолдирилсин деб таклиф берилди. Ушбу масала аудиторлик ташкилоти томонидан 2020 йил якуни бўйича аудиторлик хулосаси тақдим этилгандан кейин акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишида кўриб чиқилиши Жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

**Кун тартибидagi 10-масала** бўйича (“Кварц” АЖнинг “Миноритар акциядорлар кўмитаси тўғрисидаги” Низомни тасдиқлаш) Жамият Бошқарув раиси в.в.б. А.И. сўзга чиқди ҳамда мажлис иштирокчиларига қуйидагиларни маълум қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари жорий этиш чоратadbирлари тўғрисида”ги Фармоннинг 1-иловасига мувофиқ акциядорлик жамиятларнинг ташкилий тузилмаси тасдиқланган. Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Жамиятнинг ташкилий тузилмасига Миноритар акциядорлар кўмитаси киритилган. “Кварц” АЖ Миноритар акциядорлар кўмитаси тўғрисида”ги Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Корпоратив бошқарув Кодекси тавсиялари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган), давлат иштироғидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув Қоидалари тавсиялари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссиясининг 2018 йил 20 апрелдаги 15-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган) ва “Кварц” АЖ Устави асосида ишлаб чиқилган. “Кварц” АЖ Миноритар акциядорлар кўмитаси тўғрисида”ги Низомни тасдиқлашни акциядорлар йиғилишидан сўралди.

**Кун тартибидagi 11-масала** бўйича (“Кварц” АЖнинг Миноритар акциядорлар кўмитаси аъзоларини сайлаш) Жамият Бошқарув раиси А.И. Буриев сўзга чиқди ҳамда мажлис иштирокчиларига қуйидагиларни маълум қилди. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ миноритар акциядорлар кўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорларнинг умий йиғилиш ваколатига киради. Жамият Низоми билан Миноритар акциядорлар кўмитаси аъзоларининг сони 3 (уч) кишидан иборат бўлиши белгиланган.

“Кварц” акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг 2021 йил 9 июндаги қарорига асосан Миноритар акциядорлар кўмитаси таркибига қуйидаги номзодлар таклиф этилган:

1. У.А. Шодмонов - Истикболли талаблар, бозор конъюнкurasини ўрганиш ва реклама бўлими бошлиғи;
2. Ф.М. Тошалиев - Таъминот бўлими таъминотчиси;
3. А. А. Мирзоахмедов - Ҳисоб бўлими ҳисобчиси.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жамият Миноритар акциядорлар кўмитаси таркибига сайлаш учун таклиф этилаётган номзодлар бўйича овоз беришлари акциядорлардан сўралди.

**Кун тартибидаги 12-масала** бўйича (“Кварц” АЖнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида) Бош бухгалтер А. Исабоев томонидан Ижроия органининг аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни ҳамда келажақда аниқлаш жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни тузиш мумкин бўлган аффилиланган шахслар рўйхати билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди ҳамда акциядорлардан ушбу рўйхатни тасдиқлаб бериш сўралди (рўйхат илова қилинади).

Юқоридагилардан келиб чиқиб белгиланган тартибда бюллетенларга белги қуйиш орқали ўз муносабатларини билдирилиши йиғилиш иштирокчиларидан сўралди.

Санок комиссия овоз бериш натижаларини умумий йиғилиш иштирокчиларига эълон қилди.

**Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши томонидан**

### **ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

#### **1. “Кварц” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.**

---

**Овоз бердилар: – 86 614 901 овоз, тарафдорлар – 86 614 901 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 15 дақиқагача савол-жавоблар учун 10 дақиқагача, Санок комиссияси ишига 30 дақиқа вақт ажратиш орқали акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламенти тасдиқлансин.

**2. “Кварц” АЖ Кузатов Кенгашининг 2020 йилда ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича ва Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳамда Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини мустақил ташкилот томонидан баҳолаш яқунлари бўйича ҳисоботи.**

---

**Овоз бердилар: – 86 614 901 овоз, тарафдорлар – 86 614 901 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. Жамиятнинг 2020 йил яқунлари бўйича корпоратив бошқарув тизими “Ишонч ЛТД” МЧЖ мустақил ташкилотининг 2021 йил 17 майдаги хулосасига кўра “ЮҚОРИ” даражада эътироф этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамият Кузатов Кенгашининг 2020 йилда ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича ва Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботи тасдиқлансин.

**3. “Кварц” АЖ Бошқарув раисининг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари, Бизнес-режа кўрсаткичлари ва Жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилган чоралар бўйича ҳисоботи.**

---

**Масала кўрилмасдан қолдирилди.**

**Изоҳ.** Жамиятда ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текшируви ўтказиш давомида аниқланган ва Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича молиявий кўрсаткичлари ўзгариши мумкин бўлган ҳолатлар юзасидан Молия вазирлигидан тушунтириш ва изоҳлар олиш бўйича иш олиб борилаётганлиги туфайли Жамият Бошқарув раисининг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари, Бизнес-режа

кўрсаткичлари ва Жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилган чоралар бўйича ҳисоботи кўрилмасдан қолдирилсин. Ушбу масала аудиторлик ташкилоти томонидан 2020 йил якуни бўйича аудиторлик хулосаси тақдим этилгандан кейин акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишида кўриб чиқилсин.

#### **4. “Кварц” АЖнинг 2020 йил учун йиллик ҳисоботини, шу жумладан бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш.**

---

**Масала кўрилмасдан қолдирилди.**

**Изоҳ.** Жамиятда ташқи аудиторлик текшируви ўтказиш давомида аниқланган ва Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича молиявий кўрсаткичлари ўзгариши мумкин бўлган ҳолатлар юзасидан Молия вазирлигидан тушунтириш ва изоҳлар олиш бўйича иш олиб борилаётганлиги туфайли “Кварц” АЖнинг 2020 йил учун йиллик ҳисоботини, шу жумладан бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш масаласи кўрилмасдан қолдирилсин. Ушбу масала аудиторлик ташкилоти томонидан 2020 йил якуни бўйича аудиторлик хулосаси тақдим этилгандан кейин акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишида кўриб чиқилсин.

#### **5. “Кварц” АЖ Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.**

**Овоз бердилар: – 86 614 901 овоз, тарафдорлар – 86 614 901 овоз,  
қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. “Кварц” АЖ Тафтиш комиссиясининг 2020 молиявий йили якуни бўйича Жамият молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунлари тўғрисидаги ҳамда 2020 йил давомида Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан тузилган битимлар ҳамда йирик битимлар мавжудлиги тўғрисидаги Тафтиш комиссиясининг хулосалари дастлабки тарзда маълумот учун қабул қилинсин.

#### **6. “Кварц” АЖнинг 2020 йил якунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида.**

---

**Масала кўрилмасдан қолдирилди.**

**Изоҳ.** Жамиятда ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текшируви ўтказиш давомида аниқланган ва 2020 йил якуни бўйича молиявий кўрсаткичлари ўзгариши мумкин бўлган ҳолатлар юзасидан Молия вазирлигидан тушунтириш ва изоҳлар олиш бўйича иш олиб борилаётганлиги туфайли Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш масаласи кўрилмасдан қолдирилсин. Ушбу масала аудиторлик ташкилоти томонидан 2020 йил якуни бўйича аудиторлик хулосаси тақдим этилгандан кейин акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишида кўриб чиқилсин.

#### **7. “Кварц” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида.**

---

“Кварц” АЖ Кузатув кенгаши таркибини сайлаш бўйича кумулятив овоз бериш натижалари:

1.	Рахматуллаев Бекзод Ражабович	-	86 620 570 овоз.
2.	Абидов Шерзод Абдусаматович	-	86 613 952 овоз.
3.	Қаххоров Азизжон Ахрорович	-	86 612 212 овоз.
4.	Маматов Одилжон Абдугапарович	-	86 612 152 овоз.



- |    |                                  |   |                  |
|----|----------------------------------|---|------------------|
| 5. | Каримов Алишер Нишанович         | - | 86 616 952 овоз. |
| 6. | Курбоналиев Санжар Сабриддинович | - | 86 609 212 овоз. |
| 7. | Сирожитдинов Хабиб Камилевич     | - | 86 616 952 овоз. |
| 8. | Хакимов Шерзод Набижанович       | - | 86 615 152 овоз. |
| 9. | Реджабоев Хасан                  | - | 86 616 955 овоз. |

**1. “Кварц” АЖ Кузатув кенгаши куйидаги таркибда тасдиқлансин:**

- |    |                                  |   |  |
|----|----------------------------------|---|--|
| 1. | Рахматуллаев Бекзод Ражабович    | - | Президент Администрацияси шўъба мудири.  |
| 2. | Абидов Шерзод Абдусаматович      | - | Вазирлар Маҳкамаси котибият мудири.  |
| 3. | Қаххоров Азизжон Ахрорович       | - | “UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ Бошқарув раиси.                                       |
| 4. | Маматов Одилжон Абдугапарович    | - | Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази Директори в.в.б.           |
| 5. | Каримов Алишер Нишанович         | - | Адлия вазири ўринбосари.   |
| 6. | Курбоналиев Санжар Сабриддинович | - | Давлат активларини бошқариш агентлиги Департамент бошлиғи.                                   |
| 7. | Сирожитдинов Хабиб Камилевич     | - | Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи.            |
| 8. | Хакимов Шерзод Набижанович       | - | Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари. |
| 9. | Реджабоев Хасан                  | - | Висконсин-Мадисон (АҚШ) университети тадқиқотчиси (мустақил аъзо).                           |

**8. “Кварц” АЖ Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисида.**

**Овоз бердилар: – 86 614 901 овоз, тарафдорлар – 86 614 901 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

**1. “Кварц” АЖ Тафтиш комиссияси куйидаги таркибда тасдиқлансин:**

- |    |                                   |   |   |
|----|-----------------------------------|---|---|
| 1. | Ибрагимов Махмуд Баходирович      | - | Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси.  |
| 2. | Ғойибов Лазиз Ахматович           | - | “UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ лойиха раҳбари.  |
| 3. | Мирзакулов Жаҳонгир Муроджон ўғли | - | “UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ бош мутахассиси. |

**9. “Кварц” АЖнинг Бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларини сайлаш тўғрисида.**

**Масала кўрилмасдан қолдирилди.**

**Изоҳ.** “Кварц” АЖ Бошқаруви ва бошқарув аъзоларини сайлаш тўғрисидаги масала ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текшируви ўтказиш давомида

аниқланган ва Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича кўрсаткичлари ўзгариши мумкин бўлган ҳолатлар юзасидан Молия вазирлигидан тушунтириш ва изоҳлар олиш бўйича иш олиб борилаётганлиги туфайли кўрилмасдан қолдирилсин. Ушбу масала аудиторлик ташкилоти томонидан 2020 йил якуни бўйича аудиторлик хулосаси тақдим этилгандан кейин акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишида кўриб чиқилсин.

**10. “Кварц” АЖнинг “Миноритар акциядорлар кўмитаси тўғрисидаги” Низомини тасдиқлаш.**

---

**Овоз бердилар: – 86 614 901 овоз, тарафдорлар – 86 614 901 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. “Кварц” АЖнинг “Миноритар акциядорлар кўмитаси тўғрисидаги” Низоми 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**11. “Кварц” АЖнинг Миноритар акциядорлар кўмитаси аъзоларини сайлаш.**

---

**Овоз бердилар: – 86 614 901 овоз, тарафдорлар – 86 614 901 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. “Кварц” АЖнинг Миноритар акциядорлар кўмитаси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- |                    |   |
|--------------------|---|
| У.А. Шодмонов      | - Истиқболли талаблар, бозор конъюнкчасини ўрганиш ва реклама бўлими бошлиғи; |
| Ф.М. Тошалиев      | - Таъминот бўлими таъминотчиси;   |
| А. А. Мирзоахмедов | - Ҳисоб бўлими ҳисобчиси.   |

**12. “Кварц” АЖнинг аффилиланган шахслари билан келгусида Жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида.**

---

**Овоз бердилар: – 86 614 901 овоз, тарафдорлар – 86 614 901 овоз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.**

1. “Кварц” АЖнинг 2020 йил давомида Жамият аффилиланган шахслари билан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузилган битимлари тасдиқлансин.

2. “Кварц” АЖнинг аффилиланган шахслари билан келгусида Жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

*Йиғилиш раиси томонидан кун тартибига киритилган масалалар тўлиқ кўриб чиқилиб, тасдиқланганлиги муносабати билан йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинди.*

Йиғилиш раиси



Б.Б.Фарманов

Йиғилиш котиби



Ғ. Мамаджонов

Баённома имзоланган санаси

«9» июль 2021 й.